

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:338:45 (575)

ХОЛИҚОВА ГУЛРУХ ЮСУПОВНА

**РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ КАМАЙТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н, доц. А.Ядгаров

Тошкент – 2020

Диссертация ишида реал сектор корхоналари фаолиятида таваккалчиликни аниқлаш ва уни пасайтириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган, унга кўра, реал секторда таваккалчилик тушунчаси, уни баҳолаш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, реал сектор корхоналарида таваккалчиликни аниқлаш усуллари ва уни пасайтириш муаммолари ўрганилган. Реал сектор корхоналари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг таҳлил олиб борилган, реал сектор корхоналари фаолиятида таваккалчиликни пасайтириш орқали уларни ривожлантириш истиқболлари борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

The dissertation researches the problems of risk detection and mitigation in the real sector, according to which the concept of risk in the real sector, the specifics of its assessment and management, methods of risk detection in real sector enterprises and its mitigation problems are studied. The analysis of production indicators of real sector enterprises, proposals on the prospects of their development by reducing the risks in the activities of real sector enterprises were developed.


Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ сонли баённома « _____ » _____ 2020 й.

Илмий раҳбар: А.Ядгаров

_____  _____
ИМЗО сана

Магистр: Г.Холикова

_____  _____
ИМЗО сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси

муdiri, доц. И.Хотамов



“16” май 2020 йил

Ҳимоя 2020 йил “24” 06 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1. Реал секторда таваккалчилик тушунчаси, уни баҳолаш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.2. Реал сектор корхоналарида таваккалчиликни аниқлаш усуллари ва уни пасайтириш муаммолари.....	17
Биринчи боб бўйича хулоса.....	25
II БОБ. РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ ПАСАЙТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари).....	26
2.1. Реал сектор корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....	26
2.2. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси фаолияти тавсифи ва ҳудудий бошқарув тузилмаси ҳолати.....	35
2.3. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари таҳлили ва таваккалчиликни пасайтириш билан боғлиқ жараёнлар.....	43
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	53
III БОБ. РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ОШИРИШ ШАРОИТИДА РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНияТЛАРИ.....	54
3.1. Реал секторнинг тўқимачилик саноати корхоналари таваккалчилигини олдини олиш ва истиқболли ривожлантириш йўллари.....	54
3.2. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналарда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари.....	62
Учинчи боб бўйича хулоса.....	71
ХУЛОСА.....	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди” деб таъкидлаб ўтганлар¹.

Шиддатли рақобат муҳити шароитида реал сектор корхоналарининг муваффақиятли фаолият юритиши учун ҳар бир корхона ўз фаолияти жараёнида самарали бошқарув услубларини жорий қилиши, соҳада таваккалчилик чегараларини аниқлай олишлари, мавжуд вариантлардан энг мақбулини танлай олишлари керак. Бу эса унинг ишбилармонлик қобилияти билан белгиланади ва ҳар бир бошқарувчидан маълум даражада билим ва малака талаб қилади.

Ҳозирги кунда реал сектор тармоқларида хусусийлаштириш жараёни ниҳоясига етказилиб, минглаб хусусий хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар ва турли бизнес тузилмалари вужудга келмоқда. Иш юритиш борасида реал сектор корхоналари фаолияти эса муқаррар равишда таваккалчилик (риск) элементлари билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Реал сектор корхоналари фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик турлари асосан табиий жараёнлар билан боғлиқ бўлган таваккалчилик, ишлаб чиқариш фаолиятига оид таваккалчилик, маҳсулотларни ташиш ва сақлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 25 январь, 2020 йил.